ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИҒИ

Рўйхатга олинди:
№БД 5510300-2.30
2021 йил "4" июн

Соғликни сақлаш вазирлиги
121-сонли буйруқ
2021 йил "4" июн

ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ: МАРКЕТИНГ, МЕНЕЖМЕНТ МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим сохаси:	500000	-Соғликни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим сохаси:	510000	-Соғликни сақлаш
Таълим йўналишлари:	5510300	-Тиббий профилактика иши

Тошкент – 2021

Тузувчилар:

Худойқулова Г.К.	Тошкент тиббиёт академияси, Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори
Каримбоев Ш.Д.	Тошкент тиббиёт академияси, Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси доценти
Абдурашитова Ш.А.	Тошкент тиббиёт академияси, Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси катта ўқитувчи
Муяссарова М.М.	Тошкент тиббиёт академияси, Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси катта ўқитувчи

Тақризчилар:

Эралиев У.Э.	ТТА Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.
Искандарова Ш.Т.	–ТошПТИ, Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “26” майдаги “12”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасаларароо Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги 121-сонли буйруғининг 1-иловаси билан модул дастури рўйҳати тасдиқланган.

1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери соғлиқни сақлаш тизимини, уни ташкил этиш ва бошқаришни дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибаларидан ва Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий-маданий, миллий урф-одатлари, анъаналаридан, демографик, экологик вазиятидан, ижтимоий иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлашни янги тизимини ва уни бошқаришнинг янги усулларини ишлаб чиқилмокда ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Маркетинг, менежмент тушунчаси профилактик ва клиник тиббий хизматлар фаолиятини назорат қилиб боришдан ташқари инсон саломатлигига бевосита ёки билвосита таъсир этувчи омилларни: атроф-муҳит, турмуш тарзи, оиладаги ва ишлаб чиқаришдаги муносабатлар, меҳнат, дам олиш, овқатланиш каби омилларни ўрганади ва уларни яхшилаш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқади.

Маркетинг, менежмент модулининг модули аҳоли саломатлигини, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, бошқариш ва янада ривожлантиришнинг энг муҳим модулларидан ҳисобланади.

2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади - Модулни ўқитишдан мақсад - жамоат соғлиғини сақлаш тизими ва соғлиқни сақлашни бошқаришнинг келажакдаги эҳтиёжини қондира оладиган, билим, малака ва амалий кўникмаларни керакли ҳажмда эгаллаган, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдир.

2.2. Модулнинг вазифалари:

- талабаларни назарий билимларини баҳолаш;
- амалий кўникмалаларга услубий ёндашиш;
- илмий дунёқарашини шакллантириш.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Талаба:

- соғлиқни сақлаш соҳасида маркенинг ва менежментмодулининг ўрни;
- бошқарув жараёнларининг асосий функциялари;
- соғлиқни сақлаш соҳасида давлат сиёсати;
- мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади ва асосий вазифалари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
– Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш, мажбурий тиббий суғурта

соҳаси бўйича қабул қилинган асосий қонунчилик ҳужжатларини;

- тиббиёт муассасаларини ва бошқариш ва унга раҳбарлик қилишни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- ДПМ ишларининг стратегик ва бизнес режаларини туза олиш;
- ДПМларга кадрларни танлаш;
- уларни жой-жойига қўйиш ва бошқариш;
- тиббий муассасалари фаолиятини таҳлил этиш ва назорат қилиш;
- аҳолини суғурталаш тизими ***малакаларига эга бўлиши керак.***

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

1-мавзу. Маркетинг комплексини ишлаб чиқиш (товар ёки хизматларни ишлаб чиқариш, нарх қўйиш).

Бозорни тахлил қилиш ва сигментларга бўлиш, маркетинг комплексини ишлаб чиқиш орқали бир қатор элементларга тасниф бериш яъни, товар ёки хизматларни ишлаб чиқариш, нарх қўйиш, товар ёки хизматларни тарқатиш усуллари, бозорда харакатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва тиббий хизмат рекламаси.

2- мавзу. Менежментнинг назарий ва амалий асослари.

Менежментнинг назарий ва амалий асослари. Менежмент модулининг вужудга келиши шарт шароитлари. Менежмент модулининг ривожланиш босқичлари ва назариялари. Ананавий(классик) менежмент мактабини вужудга келиши ва унинг асослари. Менежментда маъмурий бошқариш назарияси ва унинг ахамияти. Инсон психологиясига асосланган бошқарув назариясини шаклланиши ва ривожланиши.

3- мавзу. Менежмент функциялари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Менежмент функцияларининг мохияти. Менежментда режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва назоратнинг мохияти. Менежмент пирамидаси. Бошқаришнинг 3 босқичи ва улар ўртасидаги боғлиқлик. Даволаш профилактика муасссаларининг бошқарувининг қуйи (оператив) босқичи ва унда барча тиббиёт ходимларининг ўрни.

4- мавзу. Ходимларни бошқариш. Муассасада ходимларнинг бошқаришнинг асослари. Муассаса меҳнат ресурсларини режалаштириш ва уни баҳолаш. Тиббиёт ходимларини билим, тажриба, малакаларига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифатини боғлиқлиги ва уни таъминлаш муаммолари. Ходимларни ишга қабул қилиш, уларни танлаш ва иш жойларни тақсимлаш. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

5- мавзу. Зиддиятлар ва зиддиятларни олдини олиш чоралари. Ҳар бир корхонада, муассасаларда ходимлар орасида, раҳбар ва ходим орасида зиддиятлар келиб чиқиши мумкин. Ушбу зиддиятларни олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар қўлланилади.

3.2. Модулдаги амалий (семинар,лаборатория) машғулотлари мавзуларини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалий (семинар) машғулотларининг мавзулари рўйҳати:

1-мавзу. Соғлиқни сақлашда маркетинг. Соғлиқни сақлашга бўлган талаблар ва маркетинг бошқарувининг зарурлиги. Эҳтиёж, талаб. Товар хизматлар тушунчаси. Тиббий хизматларга бўлган бозор талаблари ва бозорм муносабатлари.

2-мавзу. Нархлар тушунчаси. Маркетинг мухити. Маркетинг тадбирларини ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар. Тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжларни ўрганиш. Аҳоли саломатлигини яхшилашда маркетинг хизматини ўрни.

3-мавзу. Менежмент модули ва предмети. Менежментнинг моҳияти ва вазифалари. Менежмент объекти ва субъекти.

4-мавзу. Менежмент мактаблари ва мумтоз мактаблари.

5-мавзу. Менежмент модули ва унинг босқичлари.

6-мавзу. Бошқарув мақсади ва функциялари. Стратегик ва бизнес режалаштириш.

3.2.2. Амалий (семинар) машғулотларини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жихозланган аудиторияда бир академ гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Амалий машғулотларни ўтказишда қўйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;

-Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;

-Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;

- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва ва олиб бориш.

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгаланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Модул давомида талабалар инсон саломатлиги ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш. Талабалар томонидан “Маркетинг, менежмент” модули модулида олган билимларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши.

Модул давомида эгаланадиган амалий кўникмалар рўйҳати:

1.Соғлиқни сақлашда давлат сиёсати, Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами;
2.Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар ва эришлган ютуқлар натижалар;
3.Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш;
4.Муассаса фаолиятини бошқарув тизимини ўрганиш ва таҳлил этиш;
5.Ташкилотнинг структурасини тузиш, унга таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит омиларини аниқлаш;
6.Ташкилотнинг стратегик ва бизнес режасини тузиш;
7.Ташкилотнинг бошқарув ҳужжатлари, ахборотлар оқими;
8.Ҳужжатлар билан ишлаш. қабул қилиш, қайд қилиш, ижро этиш, жўнатиш, сақлаш;
9.Ташкилотнинг аҳоли саломатлигини ва фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил этиш;
10.Бирламчи тиббий ёрдам муассасалари (ҚВП, Оилавий поликлиника) фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлпрни ҳисоблаш ва таҳлил этиш;
11.Оналар ва болалар саломатлигини кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
12.Шошилинч тез тиббий ёрдам муассасалари фаолиятини таҳлил этувчи кўрсаткичлар уларни ҳисоблаш ва баҳолаш;
13.Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларини бошқарув тизими ва улар фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил этиш;
14.Соғлиқни саклашни режалаштириш бўйича тиббий ёрдам ва тиббиёт ходимлари тўғрисида меъёр ва мезонлар;
15.Тиббий муассасаларни молиявий фаолиятини таҳлил этиш, ташкилот сметасини тузиш ва баҳолаш;
16.Соғлиқни сақлашнинг ижтимоий, тиббий, иқтисодий самараси (зарарни)аниқлаш ва таҳлил этиш.

Талабалар маркетинг, менежмент соҳасида замонавий ютуқларга асосланган ҳолда маркетинг, менежмент модулини ўрганиб, аҳоли орасида саломатликни мустаҳкмлаш борасидаги билимларни тадбиқ этиб, бошқа

модулларни ўрганишда, шунингдек келгусида олинган билимларини шифокорлик касбий фаолиятида қўллай олишлари керак.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйҳати:

УК 1[1]. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва аҳлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;

УКК 1[2]. Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини фалсафий, ахборот, библиографик манбалар, биотиббиёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК 2. Профессионал фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

УКК 3. Кинезиология ва остеопатияни касалликни тўғри тасаввур қилиш, инсон хаёт тарзи ва тиббий маданиятини такомиллаштиришдаги роли ва ахамиятидан тўғри фойдаланишга тайёргарлик.

УКК 4. Беморларга ташхис қўйиш ва даволашда кинезиология ва остеопатия техникаларини тўғри қўллашга тайёрлик;

УКК 5. Замонавий реабилитация усуллари ва кинезиология ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни ажрата билишни ва уларни биргаликда қўллашни таъминлашга тайёрлик;

УКК 6. Кинезиология ва остеопатияда қўлланиладиган даволаш воситалар ва усулларни илмий манбалардан фойдаланган холда танлай олишга тайёрлик.

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари рўйҳати:

1. ЎзР тиббиёт соҳасининг ривожланиш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари).

[1] УК- умумий компетенция

[2] УКК – умумий касбий компетенция

2. Тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва соғлиқни сақлаш тизимида Давлат сиёсатининг роли.

3. Соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий сиёсий тамойиллари, стандартлари, истиқболлари.

4. ДПМ ишларининг стратегик режалари ва бизнес режалари.

5. ЎзР да бирламчи тиббий ёрдам ва тиббий-санитария хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг аспектлари.

6. Амбулатория-поликлиника ва зурурий ёрдам кўрсатиш. Умумий амалиёт шифокори, назарий ва амалий аспектлари.

7. Қишлоқ аҳолисига замонавий усулларда тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари.

8. Менежмент мактаби. Соғлиқни сақлаш соҳасида менежментнинг ўрни.

9. Бошқарув жараёнларининг асосий функциялари. Соғлиқни сақлаш тизими бошқарувининг асослари.

10. Бошқарув функциялари: режалаштириш, ташкиллаштириш, мотивация, назорат.

11. Соғлиқни сақлашда инновацион жараёнлар.

12. Лидерлик: лидерлик назарияси ва стиллари.

13. Ўзгаришларни бошқариш: Низо ва стрессларни бартараф этиш бошқаруви.

14. Ҳокимият ва таъсир кўрсатиш. Персонал менежмент.

15. Меҳнат ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш.

16. Бошқарув психологиясининг предмети ва вазифалари.

17. Стратегик режалаштириш. Ташқи муҳит таҳлили. Ўсиш стратегияси, қисқартириш.

18. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегияси: соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳатлар.

19. Фукаролар соғлиғини сақлаш туғрисидаги қонун (29.08.1996)нинг моҳияти.

20. Соғлиқни сақлаш тизими ва унинг структураси.

21. Соғлиқни сақлаш тизимида давлат тиббиёт муассасалари, вазифалари ва уларни бошқариш.

22. Тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжларнинг ўзгаручанлиги сабаблари ва эҳтиёж, талаб ва таклифни мослаштириш муаммолари.

23. Тиббий муассасалар ва тиббий хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солиниш сабаблари ва услублари.

24. Тиббий муассасалар маркетинги режаси ва маркетинг комплексини ишлаб чиқиш.

25. Тиббий муассаса ҳаражатлари таҳлили ва уларни самарадорлигини ошириш йўллари.

26. Тиббий хизматларнинг нархларини аниқлаш услублари ва нархни шакллантириш механизми.

27. Тиббий муассаса самарадорлигини кўрсаткичлари ва уларни таҳлил этишниг соғлиқни сақлаш тизимидаги хусусиятари.

28. Тиббиёт ходимларига иш ҳаққи тулашнинг қонуний асослари ва тартиблари.

29. Соғлиқни сақлаш тизимида тадбиркорлик мақсади ва тиббиётдаги тадбиркорликка қўйиладиган талаблар.

30. Тиббий муассасалар молиявий бошқарувининг мақсади, принциплари ва методлари.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- берилган мавзулар бўйича презентациялар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- график органайзерларни мустақил тузиш ва улар ёрдамида билимларни мустаҳкамлаш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тайёрлаш ва ҳ.к.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;
- аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;
- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш ва уни тақдим этиш;
- модулнинг (модулнинг) бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- вазиятли ва клиник муаммолларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- Кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш, моделлар ясаш, кросвордлар тузиш, органайзерлар тузиш.

Маркетинг, менежмент модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари.

Маркетинг, менежмент модули бўйича баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- Синов

Модулга ажратилган 1,5 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Маркетинг, менежмент модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар, муляж ва фантомларда ишлаш маълумотларини ўрганиш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Жорий назоратда талабалар билими таълим моделига асосланган холда қуйидаги босқичларда амалга оширилади: назарий ва амалий қисм (50:50).

Жорий назорат учун ажратилган 4,0 кредит семестрлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

12-семестр – 1,5 кредит

Жорий назорат – 1,5 кредит;

Синов – 0 кредит (ўтилиши мажбурий).

Талаба семестрда белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида синовли вазифани топширади ва ўтиш (саралаш) балидан ўтсагина кейинги семестрга ўтади. Талаба белгиланган кредитларни тўплагандан кейин

семестр якунида синовга киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун синовгача бўлган муддат берилади.

Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	A	«аъло» – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши; ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан); амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши; модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши; модул бўйича назариялар, йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;	5	аъло

			назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
81-85	B	«жуда яхши» – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан); амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;	4	яхши

			назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
71-80	C	«яхши» – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан)ни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича		

			назариялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;		
60-70	D	«қониқарли» – суст натижа, қўпол камчиликлар билан	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;	3	Қони қарли
55-59	E	«ўрта» – минимал натижага тенг	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши,		

			саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	«қониқар-сиз» – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлашти-риши зарур	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.	2	Қони қарсиз
0-30	F	«мутлоқ	давлат таълим стандартлари		

		қониқар- сиз» – тўлиқ қайта ўзлашти- риши лозим	(талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

СИНОВ

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба Синовга киритилади. Синовда талабанинг билим, кўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. Синов модул бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг кафедрада ёзма, оғзаки, тест ёки OSCE шаклларида ўтказилади. Синовда 55 саралаш баллини йиға олмаган талаба Синовдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади, ЖНда тўлиқ кредитни йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида Синовни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда Синов натижалари бекор қилинади ва Синов қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли Синовдан ўтолмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида Синовдан ўтолмаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет

деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

5.1. Асосий адабиётлар:

1. Б. Маматқулов. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Тошкент. Илм Зиё нашриёти, 2014 й.
2. Б. Маматқулов, Д. Касимова. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Дарслик. Ворис нашриёти. 2015 й.

5.2. Қўшимча адабиётлар:

1. Основы менеджмента. / Майкл Мескон, Майкл Альберг, Франклин Хедоури. Москва, 2002 г.
2. Питер Ф., Друкер.Р, Практика менежмента. М. 2002 г.
3. Beaufort B.Longest, Janet R.Buelow et al.Healthcare Finance. An Introduction to Accounting and Financial Management. Second Edition. 2002 y.

5.3. Интернет сайтлар:

1. www.http://www.rsl.ru/
2. www.http://www.med.ru/
3. www.http://Min.vuz
4. www.http://MedPortal.ru

МАРКЕТИНГ ВА МЕНЕЖМЕНТ МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Маркетинг ва менежмент модулидан силлабус			
Модулнинг тўлиқ номи	**Маркетинг ва менежмент.**		
Модул коди: 2.30	Кредит сони: 1,5 *Шундан:* ЖН – 1,5 кредит Синов – 0 кредит (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 12 семестр	ECTS value:
Таълим йўналиши	5510300-Тиббий	6 босқич талабалари	

	профилактика иши	
Модулнинг давомийлиги	6 кун	
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат: Шундан: маруза амалий машғулот мустақил таълим	54 8 28 18
Ўқув модулининг статуси	Клиника олди модуллар блоки	
ОТМ номи, манзили	Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент ш., Фаробий-2	
Кафедра номи	Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси	
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:
Машғулот вақти ва жойи		
Модулнинг мазмуни	Маркетинг ва менежмент модули талабага профилактик ва тиббий хизматлар фаолиятини назорат қилиб боришдан, инсон саломатлигига бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларни ўргатади. Модулда замонавий технологияларни қўллаш, маркетинг ва менежмент мажбуриятлари, жавобгарлик даражалари бошқариувдаги вазифаларни ўргатади.Бошқарув фаолиятининг мақсади, талаблари ва вазифаларини, бошқариш функциясини ўргатади ва олган билимларини амалиётда ишлата билиш имконини беради.	
Пререквизитлар	Биология, математика, одам анатомияси, физика.	
Постреквизитлар	Барча клиник модуллари учун назарий ва амалий замин бўлиб хизмат қилади.	
Модулнинг мақсади	Талабаларга ўзларини йўналишлари бўйича бошқарув усулларини ўргатиш, бошқарувда самарали қарор қабул қилишни, тиббий муассасалар ва уларни бўлимларини бошқаришда замонавий менежер ва етакчини ўрни ва вазифаларини, уларни амалиётга тадбиқ қилиш, ходимларни танлаш ва уларни иш жойларига тақсимлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги назарий билим ва амалий кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлашни таъминлашдан иборат.	
Модулнинг вазифалари	–талабаларни назарий билимларини бошқарувда мушоҳада қилиш; –ҳодиса ва жараёнлар мазмунини мантиқий ўрганиш; –дпм иш фаолиятини таҳлил қилиш; –самарали қарор қабул қилишни ўрганиш;	

	– дпмларда зиддиятли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш; – ходимларни бошқарув функцияларини ўргатишдан иборат.
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	**Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:** – бошқариш йўналишлари мақсад ва вазифаларин; – тиббий муассасаларда замонавий менежер ва етакчининг ўрни бўйича ; – менежмент мактабининг асосий қонуниятларни; – ходимларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги усулларини; – муассасани моддий-техник ресурсларидан унумли фойдаланишни. **Талаба билиши шарт:** – аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш; – кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларни қиёсий баҳолашни; – аҳолига менежерлик ёрдамини ташкил қилиш ва уларни қўллаш; – дпм бошқарувида менежерлик фаолиятини олиб боришни; – ходимларни ташкилот мақсадига эришиш учун йўналтира билиш усулларини; – жамоада лидерлик сифатларини шакллантира олиш. **Талаба бажара олади:** – бошқарувда менежер бошқарув фазилатларини ўзида жам қилиш; – бизнес режадан тўғри фойдаланиб маълумот йиғишни; – аҳолини сегментлаш ва уларни уларни тўғри таҳлил қилиш; – зиддиятларни тўғри талқин қилиш ва бартараф қилиш чора тадбирларини; – тадқиқот самарадорлигини ва олинган натижаларни тахлил қилиш; – аҳолини гигиеник тарбиялашни;
Таълим бериш усуллари	Маъруза ва амалий машғулотлар
Таъминот	мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

Ўқитиш натижалари:

Модулни якунлаганда талаба билади:

1.Аҳолига менежерлик ёрдамини ташкил қилиш ва уларни қўллаш;

2.Дпм бошқарувида менежерлик фаолиятини олиб боришни;

3.Ходимларни ташкилот мақсадига эришиш учун йўналтира билиш усулларини;

Модулни якунлаганда талаба бажара олади:

1.Бошқарувда менежер бошқарув фазилатларини ўзида жам қилиш;

2.Бизнес режадан тўғри фойдаланиб маълумот йиғишни;

3.Аҳолини сегментлаш ва уларни уларни тўғри таҳлил қилиш;

4.Зиддиятларни тўғри талқин қилиш ва бартараф қилиш чора тадбирларини.